


I. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2000,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1975,4 млрд. сўмни (100,2 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 5,9 млрд. сўмни (101,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 19,1 млрд. сўмни (192,9 фоиз) ташкил қилди

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Ҳосил йиғими. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 164,3 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилди.




Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 48,6 минг тонна картошка, (2017 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп), 201,9 минг тонна сабзавот (4,9 фоизга кўп) йиғиб олинди, 98,1 минг тонна полиз экинлари (6,0 фоизга кўп), 35,4 минг тонна мева ва резаворлар (6,9 фоизга кўп) ва 5,0 минг тонна узум (10,3 фоизга кўп) етиштирилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	127297	104,9	55346	93,5	1706	103,3
Картошка	9272	114,2	39128	108,7	168	84,4
Сабзавотлар	40262	94,9	160591	107,8	1081	104,0
Полиз	39174	105,6	58098	106,4	821	98,7
Мевалар ва резаворлар	9880	104,2	22708	107,8	2814	109,4
Узум	360	105,0	4339	110,9	301	107,5

2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





Чорвачилик. 2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,5 фоизга (жами 1083,8 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 104,3 фоизга (313,0 минг бош), қўй ва эчкилар 104,3 фоизга (1081,6 минг бош), отлар 109,3 фоизга (23182 бош), паррандалар 105,5 фоизга (4,1 млн. бош) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут маҳсулоти 98,9 ва тухум ишлаб чиқаришда 96,4 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли қорамол	1083,8	103,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	46,5	116,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1028,2	103,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,1	84,3
улардан сигирлар	313,0	104,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	15,0	111,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	295,2	104,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,8	90,3
Қўй ва эчкилар	1081,6	104,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	97,3	172,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	956,5	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	27,8	52,6
Отлар	23,2	109,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	3,8	179,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	19,0	103,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга	0,4	63,1

	минг бош	ўсиш суръати, %
--	----------	--------------------

оширувчи ташкилотлар

Паррандалар	4077,7	105,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	225,1	106,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3692,0	105,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	160,6	102,0


Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,3 ва 4,8 фоизни, қўй ва эчкилар 88,4 ва 9,0 фоизни, отлар 81,9 ва 16,2 фоизни, паррандалар 90,5 ва 5,5 фоизни ташкил этди.


2018 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамол (минг бош)



шундан: сигирлар (минг бош)






2018 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 76,7 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 7,1 фоизга кўп), 220,8 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 210,6 млн. дона тухум (11,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.


2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	76,7	107,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,6	123,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	74,6	107,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,5	85,9
Сут, минг тн.	220,8	106,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	11,0	112,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	207,3	106,6


	миқдори	ўсиши суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,5	82,9
Тухум, млн. дона	210,6	111,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	10,5	120,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	192,4	108,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,7	2,7м

2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш





**2018 йил январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 520,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 26,9 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 46,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,0 минг бош сигир, 97,3 минг бош қўй ва эчкилар, 3759 бош от, 225,1 минг бош паррандалар мавжуд.

2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-сентябрь				2017 январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил		2018 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	115386	70,7	121087	73,7	104,9
<i>шу жумладан: бугдой</i>	115386	70,8	121087	73,8	104,9
Картошка	8120	18,3	9272	19,1	114,2
Сабзавот	42445	22,0	40262	20,0	94,9
Полиз	37097	40,1	39174	39,9	105,6
Мева ва резаворлар	9479	28,6	9880	27,9	104,2
Узум	343	7,6	360	7,2	105,0
Гўшт, тирик вазнда	1305	1,8	1612	2,1	123,5
Сут	9785	4,7	10980	5,0	112,2
Тухум, млн. дона	8,7	4,6	10,5	5,0	120,6
Жун, тонна	74	7,9	98	10,0	132,4
Пилла, тонна	286,5	82,6	510,5	84,1	178,2